



Тошкент давлат юридик университети

Ёш олимлар илмий мақолалари тўплами

# ЖАМИЯТ ВА ҲУҚУҚ

№1 / 2015

## МУНДАРИЖА

### ДАВЛАТ-ХУҚУҚИЙ ФАОЛИЯТ

А.У.Эгамбердиев Концептуальные проблемы организации деятельности органов государственной власти на местах по обеспечению законности, правопорядка и безопасности, охраны прав и свобод граждан.....	3
Ш.Ш.Адилходжаев Роль бюджетного контроля в современных социально-экономических условиях .....	11
А.Абдусаттаров Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш предмети сифатида .....	15
А.Бозарбоев Ҳуқуқий таълим – тарбия баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омили .....	17
У.Закирова Юристнинг касб этикасида нотиклик санъатининг аҳамияти.....	21
А.Туташев Бошқарув тизимини либераллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	26
Ғ.Хуррамов Қонун ижодкорлиги жараёнида қонунчилик ташаббуси институтининг ўрни ва роли .....	29

### ХАЛҚАРО - ХУҚУҚИЙ ФАОЛИЯТ

Б.Мусаев Халқаро меҳнат миграцияси тушунчаси ва ривожланиш тенденциясининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили .....	32
О.Якубов Особенности правового режима недвижимого имущества в зарубежных странах .....	36
О.Темиров Ўзбекистон Республикасининг сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари.....	42
Ш.Гайбердиев Ташқи савдо муносабатларида олди-сотди шартномасига оид Вена Конвенцияси ва унинг халқаро ҳуқуқий аҳамияти.....	46
А.Джураева Правовые вопросы международных коммерческих контрактов.	48
К.Мажидов Евроосиё иқтисодий уюшмаси доирасида ташкил этилган божхона иттифоқининг ҳуқуқий асослари .....	52

### ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ФАОЛИЯТ

З.Эсанова Даъвони таъминлаш чоралари (фуқаролик суд ишлари мисолида)..	55
О.А.Камалов Маҳсулот етказиб бериш мажбурияти бўйича сотиб олувчининг фуқарвий-ҳуқуқий жавобгарлиги .....	59
М.М.Инагамова Никоҳ шартномаси: тарихий ва замонавий талқин.....	63
Ж.Мухитдинов Электронная коммерция – пути и перспективы развития.....	67

## НИКОҲ ШАРТНОМАСИ: ТАРИХИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИН

М.М.Инагамова.

ИИБ Академияси Ички ишлар идоралари офицерларининг  
малакасини ошириш факультети  
“Ҳуқуқий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

«Никоҳ» – арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида «қўшилиш» деган маънони англатади. Никоҳ ёшига етган, бир-бирини севадиган ва қонунга мувофиқ оила қуришни истаган эркак билан аёлнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланган, қонуний расмийлаштирилган, ўзаро шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтирадиган, оилавий турмушда туғиладиган болаларнинг миллий истиқлол мафқураси ғоялари асосида муносиб тарбиялашга хизмат қиладиган, умуминсоний кадриятлар ва шарқона анъаналарга асосланган мустаҳкам ва бир умрга тузилган эркин иттифокдир(1).

Мазмун-моҳияти жиҳатидан никоҳни қайсидир маънода шартнома ёки аҳдлашув ҳам дейиш мумкин. Дунёвий талқинда шартнома – икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасида турли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш мақсадида тузилган ўзаро келишув (Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 353-м.) бўлса, Ислом динининг ханафий мазҳабидаги талқинига кўра шартнома – бу икки ва ундан ортиқ кишиларнинг ўзаро келишган ҳолда бирор-бир ҳаракатга бўлган муносабатини англатади(2). Фикҳ илми ҳар қандай шартномага барча мусулмонларнинг тенглиги нуқтани назари ёндашади.

Шартнома муносабатларига вояга етмаганлар ва ақли норасолар, касодга учраганлар ва ўлим жазосига ҳукм қилинганларгина киришишлари мумкин эмас. Шунингдек, муомала лаёқатига эга бўлмаган шахс томонидан тузилган битим ҳақиқий бўлмайди ва қози ҳукмига биноан бекор қилинади (3). Шартнома тузишда томонларнинг розиликлари ва ўз хоҳишларини эркин билдиришларига монелик бўлмаслиги зарур, чунки мажбурлов остида юзага келган битим ноқонуний ҳисобланади (4). Шартномалар тузиш бўйича Қуръони Каримда шундай дейилган: «Эй мўминлар, битимларга (Аллоҳ таоло билан ўрталарингиздаги битимларга – у Зотга бандалик қилиш ҳақида берган аҳду паймонларингизга ҳам, ўзаро бир-бирларингиз билан келишиб олган битимларингизга ҳам) вафо қилингиз» (5). Шариат бўйича никоҳ шартнома характерида эга бўлиб, хусусан олди-сотдига ўхшаб кетади. Бир томондан шартноманинг предмети – келин, иккинчи томондан – сотиб олувчи сифатида куёв қатнашиб, келин учун белгиланган маълум баҳони, яъни шартноманинг асосий шarti ҳисобланган тўловни – қалин (6) ва маҳр (7) ни тўлашдан иборат.

Эр-хотиннинг розилиги олингандан сўнг мулла никоҳ шартномасини тузган, у оғзаки бўлиб, ҳужжат шаклида расмийлаштирилмаган. Унинг асосий мазмунини қалин ва унинг ҳажми, шунингдек, маҳрни белгилаш ташкил қилган. Шу вақтдан эътиборан шариат бўйича никоҳ аҳди тузилган бўлиб, эр-хотин ўртасидаги *шахсий* ва *мулкий* ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар вужудга келган. Шариат бўйича никоҳ аҳдини тузишнинг навбатдаги шarti қалинни тўлаш ва ажратилган маҳрни беришдан иборат бўлиб, бусиз никоҳ ҳақиқий эмас, деб саналган. Қалин келиннинг ота-онаси учун муайян фойда келтириб, куёв томонни моддий аҳволи оғирлашишига олиб келган. Маҳр куёв томонидан келинга берилиб, уй-жой ва сепдан иборат бўлган. Турли жойларда маҳр ҳар хил шаклда ифодаланган.

Қалин аёлларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситиб, уларни олди-сотди объектига айлантирган. Келиннинг ота-онаси қизи бой-бадавлат эрга тегишидан манфаатдор бўлган. Ёши ўтган куёвлар келин учун кўпроқ қалин ва маҳр ажратганлар.

Шундай қилиб, ким кўп қалин тўлаб, маҳр ажратса, у қизнинг эгаси саналиб, қиз ўша кишига турмушга чиқишга мажбур эди. Қалин бевосита келиннинг отаси тасарруфига тушиб, келиннинг қалинга ҳеч қандай ҳаққи бўлмаган, маҳр эса бевосита келиннинг шахсий мулки ҳисобланган (8).

Шунингдек, эр хотинни ашё сифатида сеп-моллари билан сотиб олган. Бу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда хотин эрнинг ҳамма истак-талабларини қондириши лозим бўлган. Эр-хотин бир ажрашиб, иккинчи бор никоҳдан ўтсалар, у ҳолда қалин тўланмаган.

Шариат бўйича никоҳ шартномаси бошқа шартномалардан фарқ қилиб, у бир умрга тузилган. Шариатда муддатли шартларга йўл қўйилмаган. Агар никоҳ аҳдида муддатли шартларга маълум ҳафта, ой ёки йилга йўл қўйилган бўлса, бундай никоҳ ҳақиқий эмас деб саналган (9).

Дарҳақиқат, оила-никоҳ масалалари муқаддас динимиз, миллий урф-одатларимиз ва шарқона тарбиямизнинг асоси сифатида ўзбек оилаларининг энг олий қадрияти деб тан олинган. Асрлар давомида ота-боболаримиз айнан оила инсон характерининг асосларини, меҳнатга, маънавий ва маданий бойликларга муносабатини шакллантирувчи омил деб ҳисоблаганлар. Никоҳсиз яшаш қораланган бўлиб, диний никоҳлар ва «шариат қоидалари» (10) асосида оилалар пайдо бўлган ва бу жараён «одат» (11) тусига айланган. Никоҳ оилани вужудга келишида бирдан-бир асос бўлгани боис, у фақат ахлоқ нормалари билан эмас, балки маҳсус қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси никоҳ тузиш, никоҳдагиларнинг ҳуқуқий муносабатлари, ота-она ва фарзандларнинг мулкӣ ва шахсий мажбуриятлари, никоҳни бекор қилиш, унинг ҳуқуқий оқибатлари ва бошқа оилавий турмуш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиди (12).

Айни пайтда, никоҳ шартномаси никоҳланувчи шахсларнинг никоҳда бўлган даврида ёки эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи келишуви ҳисобланади. Никоҳ шартномасининг ҳуқуқий табиати уни тузиш шакли, мазмуни, ўзгартириш, тасарруф этиш, ҳақиқий эмас деб топиш асосларидан иборат (13).

Қонунчилигимизда илк бор никоҳ шартномаси деган янги институт пайдо бўлди. Мазкур ҳуқуқий институтнинг жорий этилиши ҳам муайян маънода аёлларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган. Оила кодексининг 29-моддасига биноан, никоҳ шартномаси деганда, никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ёхуд эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви (аҳдномаси) тушунилади (14).

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Бироқ, никоҳга қадар тузилган шартнома у расмий давлат рўйхатидан ўтказилгач, юридик кучга киради. Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилиб, нотарнал тартибда тасдиқланиши лозим.

Никоҳ шартномасига мувофиқ, эр ва хотин биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган мақомини ўзгартиришга, эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, унинг айрим турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўзгартириш мумкин. Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, келгусида вужудга келадиган мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси асосан оиладаги моддий, мулкӣ масалалар юзасидан тузилиб, оила соҳибларининг шу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилашга мўлжалланган. Унинг мавзуси доирасига эр ва хотиннинг ўзаро моддий таъминот бериш; оила харажатларини кўтариш; бир-бирининг даромадида иштирок этиш; ўзга шахслар билан мулкӣ шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш каби масалалар киради. Никоҳ шартномасининг муҳим афзалликларидан бири шуки, у эр ва хотин никоҳдан ажралган тақдирда уларнинг ҳар бирига бериладиган мулкни (ҳажми ва миқдорини) аниқлаб олиш имконини беради. Бу ҳолат оилавий-мулкӣ низоларни судда кўришга тўғри келиб қолганда ҳам эр-хотинга ва судга масалани адолатли ҳал этишда ёрдам беради.

Никоҳ шартномаси талабларини бажариш мажбурийдир. Уларни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Ушбу шартнома эр-хотиндан бирининг истаги билан Фуқаролик кодексига белгиланган асослар ва тартибда суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Қонун никоҳ даврида ва никоҳдан ажратишда аёллар ҳамда болаларнинг манфаати устун даражада ҳимояланишини назарда тутади. Айнан мана шу адолатли тамойилдан келиб чиқиб, Оила кодексининг 39-моддасида қуйидагилар битилган: «Хотиннинг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилгандан кейин бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас».

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқининг шартнома мажбуриятларига онд нормалари мазмунини ислом шартнома ҳуқуқи билан қиёсий таҳлил этиш асосида улар ўртасида қуйидаги умумийликни кўриш мумкин:

– *биринчидан*, мамлакатимиз миллий ҳуқуқий тизимида ҳам, ислом қонун-қоидаларида ҳам никоҳ шартномаси субъектлар ўртасида бўладиган шахсий ва мулкый муносабатларни тартибга солувчи, уларнинг ўзаро келишуви асосида тузилган юридик ҳужжатдир;

– *иккинчидан*, «шартнома» тушунчаси амалдаги ФКнинг 353-моддасида икки ёки ундан ортиқ субъектнинг ўзаро келишуви сифатида таърифланса, ханафий мазҳабида шартнома икки ва ундан ортиқ субъектнинг ўзаро келишган ҳолда муайян бир ҳаракатга бўлган муносабати, дейилган. Демак, ҳар қандай ҳолда ҳам, шартнома тарафларнинг келишувига асосланади. Бу уларнинг туташ нуқталаридир.

Мустақиллик йилларида юртимизда қабул қилинган ва қилинаётган қонунлар, амалга оширилаётган ислохотлар “ҳамма нарса инсон учун, унинг манфаатлари учун” деган принципдан келиб чиққан ҳолда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ана шундай хайрли ишлардан бири никоҳ шартномаси бўлиб, уни тўғри англаш ва қабул қилиш, келажакда турмуш қураётган ёшлар онгига сингдириш, унинг афзалликларини тарғиб ва ташвиқ қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Чунки ҳар бир инсон бу ҳаётда турмуш қураётган жуфти билан бир умрга бахтли яшашни орзу қилади ва ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Аммо турмуш қутилмаган тасодифларга тўла, бундан эса ҳеч ким ҳимояланмаган. Ана шу ҳимояни ўзимиз учун ўзимиз яратишимиз давр талабидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, юртимизда никоҳ шартномаси тузиш жараёнларини кенг тарғиб қилиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги стратегик йўналишни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

*биринчидан*, мактаб, коллеж, олий ўқув юртлари ва бошқа таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи ёшларга оила психологияси, оила ҳуқуқи машғулоти мобайнида никоҳ шартномаси ҳақида тўлиқ маълумот етказиш, уни тузиш ҳар икки томонга ҳам факат манфаат келтиришини тушунтириш;

*иккинчидан*, ота-оналар никоҳ ёшига етган болаларини тарбиялаш жараёнида никоҳнинг муқаддаслиги, никоҳ шартномасининг афзалликларини болалар онгига сингдириб бориш, аёлнинг оиладаги ўрни ва эркакнинг мажбуриятларини ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтириш, уларнинг никоҳ шартномаси тузиш ташаббусини қўллаб-қувватлаш;

*учинчидан*, никоҳ шартномаси шартлари тузилаётган жараёнда ва шартномадаги мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ ҳолатларда маҳаллий давлат органларининг бу жараёндаги иштирокини таъминлаш;

*тўртинчидан*, оилаларда мулкый муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган можароли ҳолатларининг олдини олишда никоҳ шартномасининг устувор йўналишларни белгилаш, яъни унинг зарурати тўғрисида ҳаётий мисолларга асосланган дастурларни ишлаб чиқиш;

*бешинчидан*, келгусида жамиятдаги ўзгаришлар ва оила-никоҳ муносабатларидаги айрим ҳолатларни инобатга олиб, ихтиёрий белгиланган никоҳ шартномасини бирламчи шаклда мажбурий этиб белгилаш;

олтинчидан, никоҳни бекор қилиш билан боғлиқ ишларни фуқаролик ишлари бўйича судда кўриш мобайнидаги муаммоли ҳолатларни тез ва адолатли ҳукм чиқариш билан яқунлашда никоҳ шартномасидан кенг фойдаланиш.

Биз юқорида ислом ҳуқуқида қадимдан мавжуд никоҳ шартномалари билан фуқаролик ҳуқуқидаги шартномаларнинг умумийлигини ва фарқли томонларини кўриб чиқдик. Бу ўринда умумий жиҳатлар кўпчилигини ва зиддиятли ўринлар деярли мавжуд эмаслигини таъкидлаш лозим.

Шундай экан, никоҳ шартномасининг бирламчи мажбурий тусга эга бўлиши никоҳни мустаҳкам бўлишида, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда, ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқларидан кенг фойдаланиш ва оилалардаги мулкий муносабатни адолатли ҳал этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабнётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Т.: Адолат, 2010. – Б. 332.
2. Ваҳба Зухайлий. Ислом энциклопедияси. Ж.8. – Истанбул: Заман матбааси, 1984. – Б.262–267 (араб тилида).
3. Раҳмонов А.Р. Ислом ҳуқуқида шартнома ва мажбуриятлар ҳамда миллий қонунчилик: Тарих фан. д-ри ... автореф. – Т., 2008. – Б.19.
4. Марғинович Б. Ҳидоя. Ж.2. – Байрут. Дор ал кутуб алгилмия, 1990. – Б.455–459.
5. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001. – Б. 617. Моиди сураси, 1-оят
6. Қалин – келинга, унинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, васийларига пул, мол ёки бошқа мулкнинг шаклда тўланадиган ҳақ.
7. Маҳр – никоҳ аҳди тузилиши жараёнида эр томонидан ўз мулкидан хотинига берилиши лозим бўлган уй-жой, сеп.
8. Наливкин. В. Конспект лекций по истории ислама и мусульманского право. Ч.1. – М., 1908. – С. 61.
9. Отахўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. – Т.: Ўзбекистон, 1995.– Б.35.
10. Шариат – (араб. тўғри йўл) ислом ҳуқуқ тизими. Шариатда давлат ҳуқуқ қоидалари, мажбурият, мерос, жиноят, жазо ва оила-никоҳ ҳуқуқи ва барча ахлоқ-одоб нормалари ўз аксини топган.
11. Ислом динини қабул қилган халқларда одат, шариат қонунлари билан бир қаторда, жамият ҳаётини тартибга солишда муҳим роль ўйнаган. Одат кўпинча иқтисодий ва ахлоқий томонларига, оила ва турмуш тарзига тааллуқли бўлади. Исломга қадар мавжуд анъаналардан келиб чиққанлиги сабабли у ислом оламининг турли жойларида турлича кўринишларга эга.
12. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси: (2007 йил 1 майгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан). – Т.: Адолат, 2007. – Б.18. – 39-м.
13. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Т.: Адолат, 2010.– Б. 333.
14. Одилқорнев Ҳ.Т. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида аёлларнинг ҳуқуқий мақоми // Аёл, оила ва жамият: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2007. – Б.36.